Давлат китоб палатаси
Узбекистон ССР

ВОДИЙ БЎЙЛАБ САФАР

ХОРАЗМ. Огаҳий номли вилоят мусиқали ва комедия театри жамоаси Фарғона вилояти бўйлаб ижодий сафарга чиқди. Санъаткорлар сафар мобайнида "Менинг нафсим балодир" комедиясини ҳамда "Ўзбекистон — Ватаним маним" концерт дастурини намойиш қиладилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

ДЕҲҚОНЛАР ТИШИ ОҒРИМАЙДИГАН БЎЛДИ

СИРДАРЁ. Гулистон туманидаги Улуғбек номли деҳқон-фермер хўжалигида вилоят "Томаком" тиш даволаш корхонаси шохобча очди. Тўрт нафар мутахассис деҳқонларга тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

"ДЎРМОН — ОБИҲАЁТ МАНБАИ"

ҚАШҚАДАРЁ. Китобликларнинг орзуси ушаладиган бўлди. "Дўрмон" каналини барпо этишга киришилди. Туман ҳокими У. Хидировнинг таъбирича, бу сув иншооти битгач, камида 2 минг гектар майдонда боғ-роғ ва экинзорлар барпо этилади.

Юнус УЗОҚОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

Мухбирларимиз хабар қиладилар

АСАКАДА ХОНОБОД СУВИ

АНДИЖОН. Хонобод — Андижон сув йўлининг биринчи навбати уланган 15,3 километр узунликдаги иншоот Асакага сув узата бошлади. Бир кеча-кундузда 45 минг куб сув узатиш қувватига эга бўлган бу иншоотни Андижондаги қурилиш ташкилотлари, "Ўзгазқурилиш", "Намангансувйўлқурилиш" трестлари жамоалари ҳамкорликда бунёд этдилар. Сув йўлини очиш маросимида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қатнашди.

Аҳмадулло СОЛИЕВ.

СОҲИБҚИРОНГА БАҒИШЛАНДИ

ЧИРЧИҚ. Ўқувчи-ёшлар ижодий саройида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди. Кечада драматург Асрор Самаднинг "Соҳибқирон Темур" асаридан саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

Соҳибжон САЛИМОВ.

ЯНА БИР ЎЙИНГОҲ

НУКУС. Бу ерда халқаро андозаларга мос 560 ўринли теннис ўйингоҳи фойдаланишга топширилди. Иншоотни "Қарақалпоқсаноатфуқарокурилиш" ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари қурдилар. Ўйингоҳнинг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси С. Авезматов, республика давлат спорт қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Тўлаганов ва бошқалар иштирок этдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 20 июнь, пайшанба № 76 (21.997).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИГА ДОИР

Эришилган аҳдномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 23-28 июнь кунлари АҚШда бўлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташриф доирасида АҚШ маъмурияти раҳбарлари билан сиёсий, молиявий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда Ўзбекистон — Америка муносабатларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга кўмаклашувчи бир қанча муҳим учрашувлар ўтказади.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти АҚШнинг бир қанча штатларида бўлади, Ўзбекистоннинг сармоялардан фойдаланиш имкониятларига бағишланган учрашув ва конференцияларда иштирок этади.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

19 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Австралиянинг «Вестерн майнинг корпорейшн» компанияси бошқарувчи директори Хью Морган раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов меҳмонларнинг Ўзбекистонга ташрифини қутлар экан, мамлакатимиз «Вестерн майнинг корпорейшн» билан ҳамкорликка тайёр эканини таъкидлади.

Меҳмонлар Ўзбекистон билан «Вестерн майнинг корпорейшн» ҳамкорлигида мамлакатимиздаги айрим конларни ўзлаштириш бўйича қўшма корхона барпо этиш ҳақидаги фикрларини баён қилдилар. Учрашувда Ўзбекистон билан мазкур компания ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов иштирок этди.

Қабул чоғида Австралиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Бентли ҳозир бўлди. (ЎзА).



СУРАТДА: учрашув пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

РУҲИ БАЛАНД БЎЛГАН ЭЛ БАДАВЛАТДИР

Қадим мозийдан келаётган шундай гап бор. Руҳий бардамлик, маънавий бойлик ҳар қандай тўсиқни енгиб ўта олади. Омад, фароғат эшиклари ўзига, танлаган йўли, орзу-умидларига ишонган кишиларга янада кенгроқ очилади.

«Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловини ўтказишдан кўзда тутилган мақсад ҳам шу эди. Унинг дастлабки босқичлари якунлари кишини қувонтиради. Қисқа вақт ичида она-юрт муҳаббати, Ватанга садоқат, истиқлол шарофати ила юртимизда руй бераётган эзгу ўзгаришларни мадҳ этувчи кўплаб янги даъваткор, жозибадор қўшиқлар яратилди, янги истеъдодлар кашф этилди.

Кўрик-танловнинг сўнгги — якунловчи босқичини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича тузилган Матбуот марказида бўлиб ўтган йиғилишда ушбу муҳим тадбир муносабати билан республикамиз нашрлари олдида турган вазифалар яна бир бор муҳокама этилди. Марказ раҳбари Аҳмаджон Мелибоев ўз ахборотида таҳририятлар томонидан шу кунгача амалга оширилган ижодий-ташкилий ишлар, ютуқ-камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтди. Йиғилишда ҳар бир нашр ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда танловнинг бориши, дастлабки натижалар, янги номлар, жойлардаги айрим муаммолар тўғрисида ранг-баранг мақолалар эълон қилиб боришига, қўшиқчилик санъатимизнинг ривожи тўғрисида мутахассислар, оддий тингловчиларнинг фикрларига ҳам алоҳида эътибор беришга келишиб олинди.

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

ОҚ ЙЎЛ, «ТИКО»!

Аввал хабар қилганимиздек, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида «Тико» русумли автомобиллар тайёрловчи линия ишга тушди. Ўзбекистоннинг иккинчи турдаги енгил автомобили тайёрлана бошланди. Бу билан Ватанимиз Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб жаҳон автомобилсозлик оламига қутлуғ қадам қўйди.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан Асака шаҳрида барпо этилган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида шу йилнинг март ойида «Дамас» русумли автомобиллар ишлаб чиқариш бошланганди. Айни кунларда эса улкан саноат гигантида «Тико» русумли автомобиллар тайёрловчи линия ишга тушди. Бу кун байрамона тус олди. Энг замонавий технология билан жиҳозланган ишлаб чиқариш цехларида ҳаракат узлуксиз бормоқда. Темир «панжа»ли роботлар инсонлар измида. «Дамас», «Тико» яратишда иштирок этяпти. Узлуксиз линиядан тушган «Дамас»лар синаш майдончасида елдек учяпти. Бу ҳолатни кўришнинг ўзи бир бахт. «ЎзДЭУавто»нинг «Дамас»и қаторига «Тико»нинг қўшилиши қўш қувонч. Қувонмай бўладими? Мустақил Ўзбекистоннинг иккинчи русумдаги енгил автомобили дунё юзини кўрди.

Эндигина конвейердан тушган «Тико» автомобиллари гулларга ўралгани янада жозибали. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков биринчи «Тико» автомобилига 000001 рақамини маҳкамлаб қўйди. Янги автомобилларга оқ йўл тиланди. 000001, 000002, 000003 рақамли «Тико»лар ҳаракатга келди, кўзларни қувонтирди.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг довруғи ҳозирданоқ элларга танилмоқда. Бу ерда маҳсулотларнинг сифати қатъий эътиборда. Бу соҳада компьютерлар хизмат кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам «ЎзДЭУавто»да ишлаб чиқарилаётган автомобиллар жаҳон бозорида бемалол рақобатлаша олади. «Дамас» сингари «Тико» ҳам кўпчиликка манзур бўларли. Ихчам, қулай, тежамкор. Ёнилғини жуда кам сарфлаб, елдек учади.

Замонавий автомобилларни тайёрлашда кореялик мутахассислар билан ҳамюртларимиз ҳамкор, елкама-елка туриб ишлаяптилар. Шу кунгача 1,5 мингдан зиёд ёшлар Жанубий Кореяда малака ошириб келдилар. Мустақиллик шарофати билан барпо этилган қўшма корхонада жаҳон андозаларига мос ишчи ўринлари яратилди. Бу Асакани, мустақил мамлакатимизни автомобилсозлиги билан шуҳрат топишининг замини бўлади.

Автомобилларни сотиб олувчиларга қулайликлар яратиш ҳам кун тартибида. «Асака» ихтисослашган давлат тижорат банки жамоаси аҳолига хизмат кўрсатишга бел боғлаган.

«ЎзДЭУавто»да «Тико» русумли автомобиллар чиқа бошлаши ҳамюртларимизнигина эмас, хорижлик ҳамкорларимизни ҳам кўнглига қувонч бахш этди.

СУРАТДА: янги «Тико» автомобили.

Х. АРАББОЕВ олган сурат.

— Ўзбекистонлик ҳамкор дўстларимизни янги «Тико» автомобили ишлаб чиқарилиши бошлангани билан табриклайман, — дейди «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқариш директори Дём Бэ Сон. — Қўшма корхона Ўзбекистон Президентининг, ҳукуматингизнинг ташаббуси, мустақилликнинг хосияти билан қад ростлади. Бундай қўшма корхонанинг ишга туширилиши ўзбекистонликларнинг омади юришганидан нишона.

— Ёшларингиз ниҳоятда иштиёқ билан ҳунар ўрганишгани мени жуда қувонтирди, — дея кўнглини очди пресслаш ишлари бўйича бош мутахассис Ёнг Дон Ли. — Ўзбек йигитлари замонавий технология сирларини ўрганиш билан бирга хориж тилларини ҳам анча ўзлаштирганлиги ишимизга ривож бермоқда. Энг муҳими маҳаллий мутахассислар замонавий технология билан «муомала» қилишни ўрганишга тиришишяпти. Бу — келгусида яхши натижа беради.

— Жанубий кореялик мутахассислардан кўп нарса ўргандик, — дейди менежер Ҳусанбой Қосимов, — босқичма-босқич замонавий технологияни ўзлаштирдик. Айни пайтда билганларимизни амалда қўллаяпмиз. Бугунги қувончли кун тарих солномасида қолади. Келгусида фарзандларимизга бу ҳақда мароқ билан айтиб бериш ниятидаман. Мамлакатимиз мустақиллик шароитида иқтисодий барқарорлашиш йўлидан дадил одимламоқда. «ЎзДЭУавто» корхонаси лойиҳа қувватига биноан келгусида йилига 200 мингта енгил автомобиль ишлаб чиқаради. Қўшма корхона билан бир қаторда бутловчи қисмлар етказиб берувчи кўплаб ҳамкор корхоналар ишлай бошлайди. Улар «ЎзДЭУавто» қаторида мустақил мамлакатимиз иқтисодиётини кўтаришга, Ўзбекистонни дунёга танитишга хизмат қилади.

Марказий Осиёда гигант автомобиль заводи барпо бўлди. Унинг иккинчи «Тико» русумли автомобилига оқ йўл тиланди. Учинчи линиядан «Нексия» русумли автомобиллар тушадиган кунлар ҳам узоқ эмас.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АЙОВАДАГИ КУЧЛИ ЁМҒИР

Душанба куни АҚШнинг Айова штатида кучли ёмғир юз берди. Ушбу табиий офат туфайли тўлиб-тошган дарёлар штат марказидаги кўча ва майдонларни сувга тўлдирди. Миннесота ва Висконсинда ҳам худди шундай тошқинлар натижасида кўплаб фуқаролар азият чекдилар.

АЙБДОРЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Британия полицияси Манчестер шаҳридаги савдо маркази ёнида юз берган бомба портлаши айбдорларини қидирмоқда. Полиция тахминига кўра, бомба шу атрофга қўйиб кетилган фургон ичида бўлган. Портлатиш Ирландия республикачилари армияси "иши" бўлиб, улар Шимолий Ирландияда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги музокараларни барбод қилишни, чамаси, ният қилишган.

ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ОҚИБАТИДА

АҚШнинг Чикаго шаҳри маҳаллий баскетболчиларининг НБА финал ўйинида ғолиб чиқиши натижасида ўйиндан кейин ашаддий ишқибозлар шаҳар кўчаларида шовқин кўтариб, тартибсизликлар келтириб чиқардилар. Ишқибозларнинг "ғайратини сўндириш" учун полиция куч ишлатишга мажбур бўлди. Тўқнашув пайтида бир неча ўнлаб кишилар полиция томонидан қамоққа олинди.

ИККИТА ВЕРТОЛЁТ ТЎҚНАШДИ

АҚШга тегишли иккита транспорт вертолёти сешанба куни тушга яқин тўқнашиб, ҳалокатга учради. Бунинг натижасида 6 киши ҳалок бўлди ва 16 нафар киши қаттиқ жароҳат олди.

1996 йил — Амир Темур йили

СОҲИБҚИРОН ВА ЎРТА СИРДАРЁ

Шу кунларда қадимги Турон-Туркистон заминида буюк бир руҳ — XIV аср тарихида бутун Осиё ва Европада шуҳрат қозонган улуғ саркарда, давлат арбоби Амир Темур бобомиз руҳи кезиб юрибди. Сўнмас бу сиймо асрлар мобайнида қалбимизда пинҳон яшади. Эндиликда унинг ҳаёти ва фаолиятини кенг, чуқур ўрганмоқдамиз.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, соҳибқирон Амир Темур қадимги Сирдарё воҳасидан бир неча марта ўтган. Бу табаррук заминда она-Ватан озодлиги учун мўғулларга қарши жанг қилган. Бир қатор хайрли ишларни амалга оширган.

«ЖАНГИ ЛОЙ»

Эътиборни ўзига тортадиган жиҳати, 1365 йили Амир Темур қўшини Чиноз олдига етиб келиши учун Самарқанддан йўлга чиққан. У йул-йўлакай Жиззахга туташ дарадан ўтиб, ҳозирги Шароф Рашидов туманига яқинлашганда қум уюмлари устида туяларнинг суяклари сочилиб ётганини кўради ва дарҳол лашкарини Зомин томонга буради. Амир Темур Мирзачўлни кесиб ўтишдан воз кечади. Чунки аскарларининг бу чўлда қирилиб кетишини олдиндан сезган. Соҳибқирон Зомин орқали ҳозирги Ховосдан ўтади ва Сирдарё соҳилига етиб, бугунги Боёвут, Гулистон, Сайхунобод туманлари орқали Чинозга келади, ўз иттифоқдоши амир Ҳусайн билан учрашади.

— Сўнгра, — деб ёзади мажор тарихчиси Ҳерман Вамбери, — Темур ўз қароргоҳини Сирдарё бўйидаги Чиноз билан Тошкент ўртасига қурдирди. Амир Ҳусайн эса Сирдарё этаги — Ўтрордан келади ва Темур билан учрашиб, душманга қарши саф тортади...

Бундан 601 йил муқаддам бўлиб ўтган бу муҳораба тарихда «жанги лой» деб тилга олинади. Сабаби шундаки, жанг пайтида жала аралаш қаттиқ ёмғир ёғиб, жанговар отлар тойиб кета бошлайди. Темурга қарашли ўнг қанот мардона ва моҳирона жанг қилади. Бироқ унинг қайнотаси амир Ҳусайн қўмондонлик қилаётган сўл қанот қатъиятсизлик қилиб, ғалаба бой берилади. Бу Амир Темурнинг мўғулларга қарши иккинчи жанги эди. Қолган тўртта жангда унинг қўли баланд келади.

АМИР ТЕМУР ВА ТЎХТАМИШ

1389 йил қиш фаслида, қор от кўкрагига етган бир паллада соҳибқирон қўшини Сирдарё соҳилида Тўхтамиш лашкарига қарши жангга киради. Ғалаба қозонган Амир Темур уни азим Мирзачўл музофотидан қувиб чиқаради. 1390 йилнинг баҳорида Тўхтамиш яна Сирдарё ҳудудини босиб олиш мақсадида қўшин тўплаб келади. Амир Темур у билан иккинчи марта тўқнашади ва яна мағлубиятга учратиб, ғалаба нашидасини суради. Бироқ йиқилиб курашга тўймаган Тўхтамиш яна Амир Темур устига қилич яланғочлайди. Бу гал соҳибқирон уни яна енгиб, Россия ерларига қадар суриб ташлайди.

Икки йилдан кейин Тўхтамиш яна Сирдарё бўйларида пайдо бўлади. Лекин яна панд еб, мурувватли Темурдан узр сўрайди. У қўрнамаклик қилиб, Амир Темур Озарбойжонда жанг қилаётган фурсатдан фойдаланиб, Сирдарё соҳилларига ҳар бири 20 минглик иккита туманни жўнатади. Сирдарё бўйидаги Сиғноқ таслим бўлади, Қўқон эса қамалга олинади. Ўтрордаги бошқа бир туман Амир Темур ўғли Мироншоҳ лашкарини тор-мор этиб, Мирзачўл томонга силжиб келаётганда соҳибқирон етиб келади ва Тўхтамиш туманлари ортга қочади.

1405 йили Тўхтамиш элчиси Қорахожи Сирдарё бўйидаги Ўтрорда турган Амир Темур ҳузурига келиб, унга олчоқ Тўхтамишнинг тавба-тазарруларини етказди. Бу пайтда саркарда Хитойга ҳарб юришга ҳозирлик кўраётганди. У элчига шу сафардан қайтгач, Олтин Ўрдани Тўхтамишга шахсан олиб беришга ваъда қилди. Саховатли Амир Темурнинг мунофиқ Тўхтамишга бу қадар мурувват кўрсатиши сирлари ҳозирга қадар тарих учун ҳам жумбоқ бўлиб қолмоқда.

СИР БЎЙИДА ШОХРУҲ ҚАЛЪАСИ

1391 йил қишини Амир Темур қўшини Тошкентда ўтказди. Айни вақтда у мўғулларнинг Сирдарё соҳилларида вайрон қилган шаҳарларни тиклаш, дарёда кечувлар барпо этишга катта эътибор қаратди. Ҳозирги Сайхунобод ва Оққўрғон туманларини боғловчи кечув ёнида қарор топган қадимги Шарқия шаҳри мўғуллар истилосидан сўнг Банокент деб атала бошланди. Мўғуллар унинг ўрнида фақат хароба қолдириб, аҳолисидан Хўжанд шаҳрини ишгол қилишда «жонли қалқон» сифатида фойдаланган эдилар.

Амир Темур харобага айланган Банокент шаҳрини қайта тиклашга кўзи етмагач, унинг ўрнида қалъа барпо эттирди ва уни ўғли номига «Шохруҳ қалъаси» деб атади. Бундан ташқари бунёдкор Амир Темур қадимги Мирзачўлдаги сардобаларни таъмирланди, ариқларни тозалатди, чўлга сув йўлларини очишга бош-қош бўлди.

СИРДАРЁДА ТЕМУР ТАНГАЛАРИ

Соҳибқирон Амир Темур даврига мансуб тангалар қадимги Сирдарё бўйларида қад кўтарган қалъа, шаҳарларда ҳам зарб этилгани алоҳида ўрин тутади. Темур тангалари Сирдарё қирғоғида қўним топган кўҳна Ўтрор шаҳрида 1328 йили зарб этилиб, уларда илк бор «танга» сўзи ўйиб битилганини кўрамиз. Кейинчалик уларда «Қутлуғ бўлсин янги пул» сўзлари ҳам пайдо бўлди. Тангашунос олим, академик Эдуард Ртвеледзе ёзишича, Амир Темур ўз салтанатининг йирик шаҳарлари қаторида Сирдарё бўйидаги Шохруҳ қалъасида, Ўтрор ва Зомин шаҳарларида ҳам олтин, кумуш ва мис тангаларни зарб эттирган.

Қадимги Сирдарё ҳавзасидаги қалъа, шаҳарларда зарб этилган Амир Темур ва темурийлар даври тангалари ўз безаклари — ўсимликлар акси билан бир қаторда яна геометрик нақшлар, яъни доирачалар, юлдузлар, «бахт тугуни» билан бошқа тангалардан фарқ қилади. Уларда асосан арабча ва туркча битиклар учрайди.

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг башарият маданияти, равнақи ва камолоти йўлида қилган хизматлари улкан. Имонимиз комилки, буюк бобомиз Амир Темур қолдирган бебаҳо мерос мустақил Ўзбекистон заминида келажаги буюк давлатни барпо этиш ишига хизмат қилади.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

МАҲАЛЛАДОШЛАРГА МАЪҚУЛ

БУХОРО (мухбиримиздан). *Ўзбекистон ХДП Когон туман кенгаши ҳудудий партия ташкилотларига эътиборни кучайтирмоқда. Файзулла Хўжаев маҳалласида янгидан ташкил этилган ҳудудий партия ташкилоти фикримизнинг далили.*

— Маҳалладаги қувончга ҳам, ташвишга ҳам шерикмиз, — дейди партия ташкилоти котибаси Гулчеҳра Рўзиева. — Хусусан, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасида ХДП аъзолари фаолияти, айниқса, маҳалладошларга маъқул тушаётир.

Туманда ҳудудий ташкилотлар сони 47 тага, аъзолари эса 924 нафарга етди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Маданият янгиликлари • Маданият янгиликлари

БОЛАЖОНЛАР УЧУН

Хоразм давлат қўғирчоқ театри ёзги дам олиш таътилига чиққан болажонлар учун хизмат қилмоқда. Театрнинг ижодий жамоаси «Афанди ҳангомалари», «Дўстлик боғи», «Зумрад ва Қиммат», «Туҳмат тош ёрар» спектакллари билан Тошкент, Чирчиқ шаҳарларида бўлиб, қизиқарли томошалар намойиш этишди. Шунингдек, вилоятдаги болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида ҳам ўқувчиларнинг ёзги таътили мароқли ўтишига ҳиссаларини қўшмоқдалар.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Қашқадарё вилояти маданият ишлари бошқармаси ва маданият ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси ҳамкорликда маданият ходимлари ўртасида спортнинг волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, шашка-шахмат турлари бўйича спартакиада мусобақалари ўтказишди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган бу мусобақаларда Қарши маданият техникуми, санъат билим юрти жамоалари ғолиб бўлдилар.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

ЯНГИ ГУРУҲ МУВАФФАҚИЯТИ

Бўз туманида «Янги тонг юлдузи» номли вокаль чолғу ансамбли ташкил этилди. Алижон Зулунов раҳбарлигидаги бу гуруҳ «Бор бўл, муҳаббат» деб номланган янги концерт дастури тайёрлади. Ансамбль репертуаридан, бундан ташқари муҳаббат, Ватан мадҳи ва қизиқчиларнинг қувноқ чиқишлари ўрин олган.

БАҲШИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Республикамиз пойтахтида «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтган бахши-оқинларнинг халқаро кўрик беллашувида Сурхондарё вилоятидан келган беш нафар бахши ҳам бўш келмади. Жумладан, қумқўрғонлик бахши Исмоилжон Анваров беллашувда фахрли биринчи ўринни эгаллаб, республика Маданият ишлари вазирлигининг биринчи даражали дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан мукофотланди. Бойсунлик машҳур бахши Шоберди Болтаев ҳамда қизириқлик ёш бахши Хўшбоқ Мардонақуловларни ҳам юксак мукофотлар кутмоқда. Қизириқлик ёш бахши Панжи Тожиев Маданият ишлари вазирлиги фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Мухтасархон КАРИМОВА.

Олис йўлларда.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

МУАЛЛИМЛИК – ФИДОЙИЛИК ДЕГАНИ

«Илм олмоқ ҳар бир муслиму муслима учун фарздир» — дейилади Ҳадиси Шарифда. Мен кўп йиллик меҳнат фаолиятимдан шуни англадимки, илм ўрганиб, уни аҳли толибга етказмоқ ҳам анча мушкул, масъулиятли иш экан. Ўқитувчи ҳамма замонларда ҳам жамият кўзгуси, келажак баркамоллигининг мезони саналган. Қайсики жамиятнинг зиёлилари қалбида яратувчанлик, янгиланиш иштиёқи жўш урмас экан, бу жамиятнинг авлодлари савияси ўрта даражада бўлиб қолаверади. Машойихларнинг «устоз отангдан улуғ» деган эътирофи ҳам бежиз эмас. Устоз дейилганда, фикри ожизимча, биринчи навбатда ўқитувчи назарда тутилган.

Бу тажрибали кекса қишлоқ ўқитувчисининг гаплари.

Қаршибой ака Аллаёров Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги Собир Раҳимов номли 17-ўрта мактабда 25 йил директорлик қилган. Мутахассислиги тил-адабиёт ўқитувчиси. Халқ маорифи аълочиси. Устоз билан илк сўзлашганимизданоқ нуроний чеҳрасидаги фозиллик, фақат ва фақат устозларгагина хос меҳр ҳеч «деворсиз» суҳбатлашишимизга имкон берди.

— Муаллим, қандай бўлмоғи керак? Таълимнинг самарадорлик мезони унинг қай бир саъй-ҳаракати билан белгиланади?

— Аввало, ўқитувчининг ўзи тарбияланган бўлмоғи шарт. Бугунги мактаб директорига раҳбар ёки жўн шахс сифатида қараш керак эмас. Шу ўринда улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг «Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир» деган гапини эслаш жоиз. Чунки мактаб раҳбари ўзбек миллий педагогикаси тарихини чуқур билмаса, таҳлил қилолмаса бу унинг энг катта камчилиги. Негаки, раҳбар одам ҳар бир соҳага ижодий ёндашиб ноанъанавий усулларни излаб топгандагина ҳамкасбларининг ишларида ижобийлик, янгиланиш кўради. Мактаб муҳити ҳам янгича педагогик ғоялар билан бойиб, такомиллашиб боради. Ҳаммаси, энг аввало бошқарувчига боғлиқ.

— Узоқ йиллар қишлоқ мактабига директорлик қилган экансиз, истиқлол даври тизимининг олдинги системадан фарқи нимада?

— Жамиятимизнинг барча тармоқларида янгиланиш, ислоҳот жараёни кетмоқда. Жумладан, халқ таълими тизимида ҳам қатор ислоҳотлар бўлмоқда. Бу том маънода қишлоқларда мактабларни маданий-маърифий юксалтиришга, ёш авлодни камол топтиришга йўналтирилган ҳужжат деса ҳам бўлади. Олдинги таълим тизими билан ҳозирги халқ таълими мафкурасининг ҳамма англайдиган оддий фарқи шундаки, чет тилларнинг ўргатилишига аввал, ниҳоятда кам эътибор бериларди. Баъзи қишлоқ мактабларида деярли чет тили ўқитилмасди. Бунинг ўрнига рус тилини мукаммал ўргатишарди. Мен бу билан ўрис тилини инкор этмоқчи эмасман. Тил билиш керак, албатта. Лекин ўзининг она тилини биринчи навбатда яхши ўзлаштиролмаган ўқувчи

Дилдан суҳбат

бошқа тилни қандай ўрганади. Ўқувчини ҳеч қачон эзиқтирмаслик керак. Худога шукрки, ўзимизга-ўзимиз бек бўладиган кунлар ҳам келди. Фарзандларимиз чет мамлакатларга ҳам бориб ўқиб келишяпти. Тил билган эл билади. Яна айтиш лозимки, ҳатто қишлоқ мактабларига ҳам компьютерларнинг кириб келиши халқ маорифи соҳасида катта янгилик ҳисобланади.

— Қаршибой ака, тажрибали устоз сифатида шогирдларингизга, шогирд учирма қилаётган устозларга нима дейсиз?

— Иш фаолиятимни бошланғич синф ўқитувчилигидан бошлаганман. Шогирдларим ҳақида тўлқинланмасдан гапиролмайман. Устознинг умр бўйи қилган меҳнати унинг шогирдлари даражаси билан ўлчанади. Сон жиҳатидан эмас, савия, сифат даражаларини айтмоқчиман. Назира Ҳолиқова, Тилло Оролова, Моҳира Санақулова, Малика Эшова каби издошларимни меҳр билан тилга оламан. Бугун нафақахўрман. Шу билан бирга Ҳайит Элбеги маҳалла қўмитаси раисиман. Лекин ҳамон ўқувчиларни, ҳамкасбларимни қўмсайман. Улар билан суҳбатлашгим, диллашгим келади. Иқтисодий қийинчилик деб, ўзларини ҳар хил «ёғли» соҳага уриб кетаётган ўқитувчиларга Оллоҳнинг ўзи инсоф берсин. Ўқитувчилик — бу фидойилик деган. Бу номни оқлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

— Оилангизни ўқитувчилар сулоласи дейиш мумкинми?

— Ҳа, турмуш ўртоғим Марзияхон, қизим Шаҳзодахон ва келиним Дилбархон ҳам ёш авлодга баҳоли-қудрат таълим-тарбия бериб келмоқда.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Озода БЕКМУРОДОВА,
суҳбатлашди.

Саховат

УМРБОҚИЙ ҚУШИҚЛАР

«Озод» овоз ёзиш хусусий студияси раҳбари, санъатимиз мухлиси Озод Ҳайитов хайрли ва савоб ишга қўл урди. У Санкт-Петербург овоз ёзиш студияси мутахассислари билан шартнома асосида ўз маблағи ҳисобига ўзбек санъатининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон ҳамда Татаристон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Отажон Худойшукуровнинг мумтоз қўшиқлари жамланган аудио кассетасини чиқарди.

Ўзбекистон санъатининг қимматбаҳо мулки ҳисобланган «Феруз», «Сегоҳ», «Дугоҳ» туркумидаги мумтоз куйлар, қатор лирик қўшиқлар Америкада ишлаб чиқарилган аппаратураларда фильтрланиб, замонавий талаблар даражасида тасмага туширилди. Бу аудио магнитофон тасмасининг кассетаси-қутичасида машҳур санъаткорнинг барҳаёт сиймоси акс эттирилган. Санъат мухлислари ҳофизнинг умрбоқий қўшиқлар ёзувларини иштиёқ билан харид қилишмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎРНАМАК

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Деҳқонободда дув-дув гап. «Ҳаётдан кўз юмиб кетганлар ҳам нафақа олармиш». Биров ёқасини ушласа, биров кўкрагига туф-туфлайди. Ишонган, ишонмаган бор. Ҳассасини ерга қаттиқроқ уриб жиккакгина чол заиф ўшқирди: «Бандасидан кўрқмасанг ҳам худодан қўрқ, кўрнамак! Уруш кўриб, бундай безбетларни учратмаганман». Шеригининг ҳам фиғонидан дуд чиқади: «Мени номимдан қўшимча ҳужжат тузиб, нафақа пулини олганмиш».

Чоллар бир-бирига гап бермайди. Йўлак бўйлаб, икки-уч ойдирки, кекса отахону онахонлар туман ижтимоий таъминот бўлимига қатнашади. Бу ерда тафтишчи улардан тушунтириш хатлари олади. Унинг сўроғидан гангиган айрим онахонлар: «Нима деяпсан, болам, қаҳатчилик кунларидаям бировнинг қилини ўзимга раво кўрмаганман», — дея шангиллаб берди. Тушунган бор, тушунмаган. Тафтишчиям кейинги кунларда ўйлашиб гаплашадиган бўлди. Айримларига «Бир ойда икки марта нафақа пули олганмисиз?» деганида қарияни ўзи суяб қолган пайтлари ҳам бўлди. «Ҳукуматимизга раҳмат! Биз қарияларни боқсину яна диёнатга хиёнат қилайликми?» дейишарди улар. Тафтишчи бир йиллик ҳисобкитобни тафтиш қилгунича онадан қайта туғилди. Бу ёғи...

Ҳаммаси Абдуғаффор Каримовнинг туман ижтимоий таъминот бўлимига бош ҳисобчи бўлиб тайинланиши билан бошланди. Ўттиз ёшни қоралаган бу йигит хизмат вазифаси юзасидан пенсия маблағининг тўғри сарфланиши ва сақланишига масъул эди.

Дастлаб бинойидек ишлаган Абдуғаффор кейинги пайтда кўнгли ғаш юрди. Тунлари уйқуси қочадиган бўлди. Қачонгача маошга тоқат қилади? Чўнтакда ҳеч нарсаси бўлмаган йигит-йигитми?! Қўлида қанчалаб нафақахўр бўлса. «Алоқачи» шоввозлар билан гапни бир жойдан чиқариш керак. Ана шунда жарақ-журуқ пуллар чўнтагини қаппайтиради. Бири икки бўлади. Уйига меҳмон келса, эмин-эркин, жавонда қатор турган оби зам-замларни дастурхонга тортиқ қилади. Келиб кетувчилар ҳам меҳмоннавозлигига таҳсинлар ёғдиришади. Бундан кўнгли чақмоқ тутгандек ёришди.

Орадан кўп ўтмай бўлим мудири Зарҳол Ҳамроева ҳузурига кирди.

— Зарҳол Ражабовна, бировнинг бетига термулиб, сарғайиб юраверамизми? Отга минганда тақимга босиш керак-да.

Зарҳол Ҳамроева яйраб кулди.

— Оббо, Ғаффоржон-эй, ўзингиздан қолар гап йўқ. Дарёнинг сувини ичадиган йигитга тушунтириш ортиқча.

Абдуғаффор бошлиғи ҳузуридан енгил тортиб чиқди. Тўғрида, отганнинг ўқига, кетганнинг кетига қараб юраверадимми? Шу куни ўзича «қўпориш» тархини тузди. Ҳафта ўтмай тузоғига «Чашмимирон» алоқа бўлинмаси бошлиғи Норқобил Тошбоев илинди. Унга ҳозирги иқтисодий тақчиллик тўғрисида ваъз ўқиди. Хуллас, асл муддаога кўчди. Норқобил қурғур ҳам бундай қинғир ишнинг ҳадисини олганмикан дарров хўп дея қолди. Иккаласи қўл ташлашди. Норқобил чиқиши билан туман почта алоқа боғланмаси бошлиғи ўринбосари Алибой Менглиқулов хонага кириб қолди. Улар бир пиёла аччиқ чой устида роса ҳангомалашди. Абдуғаффор бунга ҳам «эски гап»ни қистирганди, у бош устига дегандек қўлини кўксига қўйди. Суҳбат енгил кўчди.

Шу-шу бош ҳисобчи Абдуғаффор Каримовнинг иши юришиб кетди. У хизмат сохтакорлигига йўл қўйиб, пенсия пули бўйича расмийлаштириладиган 10-а формали ҳисобот рўйхатларида бир маротаба тўпланадиган нафақани икки марта чиқим қиларди. Ҳатто рўйхатда бўлмаган шахсларга ҳам нафақа тўлашга розилик билдириб юборарди. Бир гал ҳузурига Норқобил Тошбоев кириб келди.

— Шу, укажон, ёш ҳам олтмишдан ўтди. Рўзғор катта. Манови нафақахўрлар Олимшо Усмонов, Мирзо Қорақуловлар ўлган, — деб қолди суҳбат чоғида.

— Қизиқсиз, бобой, укангиз тирик-ку! Газни босинг!

— Зап хўроз йигитсиз-да, бошингиз тошдан бўлсин! — Алқади шерик.

Бундай гапни эшитгандан сўнг кесакдан ҳам ўт чиқади-да. 1993 йилнинг май ойи ҳисобидан «Чашмимирон» алоқа бўлинмаси ҳисобида рўйхатда турувчи нафақахўрларга нафақа пуллари тўланди. Бўлинма бошлиғи Норқобил Тошбоев қайта рўйхат тузиб, А. Каримовга учрашди. Абдуғаффор иккиланмасдан туриб имзо чекди. Тушган 287844 сўм-купондан 100 мингини ўзлаштирди.

Қовун-қовундан ранг олади деганларидек «Бешқўтон» ва «Деҳқонобод-1» алоқа бўлинмалари бошлиқлари Алланазар Бозоров ва Худойшукур Хўжамқуловлар ҳам Абдуғаффорвойнинг кўнглини овлаб пул топадиган бўлишди. Аммо бу уюшган гуруҳ ошига шерик бўлган туман алоқа боғланмаси бошлиғи ўринбосари Алибой Менглиқулов ва шу боғланма бош ҳисобчиси Абдураҳим Қудратовлар ҳам четда қолиб кетишмади. Тушган ўлжаларни арра қилишарди.

1993 йилнинг январидан 1994 йилнинг май ойига қадар Абдуғаффор Каримов Н. Тошбоевдан пора тариқасида 5 миллион 500 минг сўм-кўпон, А. Бозоровдан 8 миллион 225 минг сўм-кўпон, Х. Хўжамқуловдан эса 6 миллион 590 минг сўм-кўпонни ўз фойдасига ўзлаштирди. Шундан 3 миллион 961 минг сўм-кўпонни бошлиғи Зарҳол Ҳамроевага инъом этди. Олтибой Менглиқулов ва Абдураҳим Қудратовлар ҳам текин пулларни қуртдай санаб олишди.

Инсон ўз виждонини илоҳ ютган кирпидай еб қўймасин эканда. «Деҳқонобод-1» алоқа бўлинмаси бошлиғи Худойшукур Хўжамқулов 1988 йилда вафот этган Хонойим Султоновага берилиб, ҳатто ўлгандан кейин ҳам нафақа пулларни ўзлаштириб келган. Беш йил ичида унинг мушугини пишт дейдиган одамнинг ўзи бўлмаган. Тирикларнинг ҳақидан урганини қўяверинг. Марҳумлар руҳидан чўчимаганларига нима дейсиз!

Уюшган жиноий гуруҳ бир йилнинг ичида давлатнинг 37 миллион 961 минг сўм-кўпонини талон-торож қилишди. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқишини унутишди.

Шу ўринда тумандаги «Карашина» алоқа бўлинмаси бошлиғи Худойназар Акрамовнинг қинғир ишларини эслатмасдан ўтиб бўлмайди. Бу шахс ҳам ана шу гуруҳнинг фаол аъзоларидан бўлган. Аммо унинг ўзи «чиқим»га йўл қўймасдан, қўлга тушгани ҳалол қабилида давлатнинг 3,5 миллиондан ортиқ сўм-кўпонини талон-торож қилишга улгурган. Гуруҳнинг яна бир аъзоси Жумақул Тошбоевдир. У ўша пайтда 20 ёшда бўлган. Отаси Норқобил Тошбоевдан «Чашмимирон» алоқа бўлинмасини қабул қила туриб, жиноятга қўл урди. Қисқа даврда 5 миллион сўм-кўпондан ортиқ давлат маблағини жиғилдонидан ўтказишга улгурди.

Жиноят ишига республика Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича бош терговчиси милиция подполковниги Қ. Султонов 1995 йилнинг 17 июлида нуқта қўйди. У тергов жараёнида ҳар бир далилга синчковлик билан ёндашди.

— Тергов гуруҳи терговчиларидан Н. Бекназаров, Р. Тўлаев ва бошқалар ушбу мураккаб жараёнли жиноят ишига амалий ёрдам кўрсатишди, — деди вилоят ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи ўринбосари милиция майори Иброҳим Элмуродов. — Яқинда суд ҳукми билан жиноятчилар турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар. Жиноятни дастлаб фош этишда вилоят ички ишлар бошқармаси коррупция, террор ва рэкетга қарши кураш бошқармаси ходимлари фаоллик кўрсатдилар.

Кексаларнинг, қолаверса марҳумларнинг руҳидан кўрқмаган, давлатнинг йирик миқдордаги маблағини талон-торож қилиб кўрнамакликка қўл урган бу кимсалар ўз ўринларини темир панжара ортидан топишди.

Ўроз ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи катта нозири,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Биз шундай халқмиз

ЎЗБЕКНИНГ ЁШИ

Туркий қабилаларнинг энг қадимги қавми гумер ҳисобланади. Бу қавм ўзини Нуҳ тўфонидан сўнг дунёда пайдо бўлган биринчи халқлардан деб тушунган. «Инжил»да гумер Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Ёфат (Ефас)нинг биринчи фарзанди деб кўрсатилган. Қадимшунослар туркийларнинг киммер қабиласини гумер қавмининг номи сифатида эътироф этишади. Антик юнон ва оссурий тарихчиларининг китобларида киммерлар ҳақида бой маълумотлар берилган. Тарихий асарларда бу туркий қабиланинг номи гумер, киммер шаклида, шумер баъзан эса сумер шаклида ҳам ёзилган. Бизнингча, шумер ва киммер номларида мантиқан боғлиқлик бор. Бу фақат оҳангдошлик хусусиятига кўра эмас, айни пайтда гумер қабиласи ҳам шумерлардай дунёдаги энг қадимги қабилалардан бири эканлигида ҳамдир.

Антик давр юнон ва оссурий тилида битилган тарихий китобларда киммерийларнинг ватани шимолда — Қрим бўйларида деб кўрсатилган. Шумерлар эса Месопотамияда яшаганлар. Узоқ Месопотамия билан киммерлар ўртасида яқинлик бўлганми? Шумер ва киммер халқини бир-бирига боғлайдиган асослар нимада? Муқаддас китобларда кўрсатилган гуммернинг ўғилларидан бири Ашканоз. Бу қавм тарихда искифлар номи билан юритилади. Улар дунёни ўз ҳарбий кучлари билан титратганлар. Алп Эр Тўнга шу қавмдан етишган улуғ ҳоқондир. Гумернинг яна бир ўғли Шўгарма деб аталган. Ундан Месопотамияда яшаган халқлар тарқалган:

Демак, киммер ва искифлар Кичик Осиё мамлакатларига тез-тез ҳужум қилиши ҳам бу ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўтказишга уринишининг мантиқий замини мавжуд. Ахир, Оссурия шоҳи Ашшурбанипал ўз кутубхонасида шумерийларнинг сопол китобларини бекорга сақламаган. Алп Эр Тўнганинг оғаси Прототийга оссурийлар шоҳи тинчлик иттифоқини мустаҳкамлаш учун ўз қизини хотинликка берган эди. Шу кундан бошлаб Прототий оссурийларнинг шоҳи сифатида тан олинган. Ёки айрим манбаларда Алп Эр Тўнга ҳам Ашшурбанипалнинг қуёви бўлганлиги қайд этилади. Мидия шоҳи Кайхисрав Алп Эр Тўнгани ўлдириб, Оссурия кутубхонасини ёқиб юборишга уринганида катта мантиқ бор. Ахир, бу Кайхисрав Оссурия кутубхонасида киммерий ва искифлар маданияти, тарихи ва адабиёти битилган хазина борлигини сезганлиги эмасми?

Шумер, қадимги месопотамияликларнинг туркийлар билан яқинлигини асословчи яна бир неча далиллар келтириш мумкин. Чувашлар туркийларнинг қадимги қавмларидан бири. Чувашияда Шумерия деб аталувчи шаҳар бор. Х асрда яшаган араб тарихчиси ибн Ҳоқалнинг маълумот беришича, Самарқанд атрофидаги Шовдор тоғларида (ҳозирги Ургут тумани)да месопотамиялик — ироқликларнинг қишлоғи бўлган. Улар ўзларини доимий яшайдиган халқ сифатида кўрсатишган. Айтиш керакки, Шумер вилояти ҳозир жанубий Месопотамия — Ироқда. Араб тарихчилари ироқлик «араб»ларнинг Жиззах, Тошкент атрофларида ҳам қишлоқлари бўлганлигини ёзишади. Ироқликларнинг Ургутдаги қишлоғи Вазқирд, Жиззахдагиси Винкерд, Тошкент атрофдагиси Бинкент деб аталган. Археолог В. Л. Вяткин месопотамияликларнинг Ургутдаги манзили бўйлаб кузатиш ишлари олиб бориб, улар яшайдиган жойни Қинғир қишлоғида деб кўрсатади. Қинғирнинг Киммер, гиммер, киммерга яқинлик томони йўқ эмас. 1920 йилда академик В. В. Бартольд Ургут тоғларининг Гулбоғ сойидаги қоядан Сурия тилидаги ёзувларини ҳам кўрган. Ажабмаски, арабларгача Марказий Осиё шаҳарларида яшай бошлаган ва ўзини ироқлик деб ҳисоблаган халқлар шуммерлар авлодидан бўлса.

Қадимий Осиё тарихида туркларнинг кечмишини аниқлаш бир катта муаммо ҳисобланади. Кишилик тарихида эрамиздан аввалги IV асрларда турклар Осиёдан Оврупага кўча бошлаганлар. Осиёлик дастлабки кўчманчилар искитлар бўлган. Шу туфайли туркиялик туркшунос олим Фуат Бўзқурт ўзининг «Туркийларнинг тили» китобида биринчи бўлимни искитларга изоҳ беришдан бошлайди. «Туркча сўзлик»да кўрсатилишича, оврупаликлар кўчманчи халқларни искитлар деб атаганлар. Бу китобда искитларнинг илк юрти Тангритоғ этаги, Фарғона водийси ва Қашқарда бўлган деб ҳисобланади. Эрамиздан аввалги VII асрдан бошлаб улар бошқа юртларга кўча бошлайдилар. Эрамиздан аввалги III асрда искитлар Оврупада ном қозонадилар. Баъзи олимлар искитларни Ўрол-Олтой халқларининг энг қадимийси деб ҳисоблашган. Улар Турон билан Олтой ва Мўғулистон орасида ҳам кўп тарқалганлар, турклар ва мўғулларга бирлашиб кетганлар. Ф. Бўзқурт юқоридаги фикрларини туркий халқлар бирлиги масаласига энг тўғри ёндашиш деб ҳисоблайди. Унинг бундай қарашини қувватлай олмаймиз. Аввало, Осиёдан Оврупага кўчган қадимий турклар искитлар деб аталган экан, улар барча туркий қабилалар, элат ва халқларнинг дастлабки вакиллари эмас. Балки, буларнинг бир кўчманчи тоифасидир. Шу сабабли китобнинг искитлар кечмишидан бошланиши ҳам баҳслидир. Китоб муаллифи Р. Гроуссетнинг«... искитлар аслида Эрон халқларидандир», деб ёзганини келтириб, сўнгра Оврупага бориб қолган искитлар Хитойдаги хун тоифасидан деб ҳисоблайди: Оврупадаги искитлар билан Осиёдаги хунларнинг кўринишлари ўхшаш. Хунлар, кўктурклар ва мўғулларнинг бир-бирларини тушунишлари, маданиятларидаги муштаракликни Юнон ва Чин тарихчилари ҳам эътироф этганлар. Лекин бу фикрлар тўғрисида маданий жиҳатдан бошқа туркий қабилалардан юқори турарди.

Х асрнинг охирларидан туркий этник қатламнинг Мовароуннаҳрнинг барча районларида устунлигини таъминловчи тарихий воқеалар содир бўлди. Сирдарёдан Еттисувгача бўлган ерларда, шимолий Фарғона ва бутун Шарқий Туркистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Қорахоний турклари Х аср охирларида Мовароуннаҳрнинг ички районларига ҳам кириб келдилар.

Қорахоний сулоласидан Фарғонада — қарлуқлар, Шошда — ўғизлар яшаганлар. Араб олими ибн Хавкалнинг ёзишича, ўзбек халқ оғзаки ижодида ўғузлар ўзбек халқининг ўтмиш авлодлари бўлиб ҳисобланади. Қорахоний наздида туркий ўзбек халқи тўла шаклланди. Ижтимоий, иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожланди. Академик Бўривой Аҳмедов қарлуқ — чигил лаҳжаси эски ўзбек тилига асос бўлди, ўзбек халқининг умумий тили бўлиб қолди, дейди. Нафақат бу икки лаҳжа, балки ўнлаб лаҳжалар чунончи, ўғуз, қипчоқ, манғит, минглар, жалош ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

«Тузуклар»да барлослар ҳамда ўзбеклар қавмлари орасида қадимдан аҳднома тузилганлиги эътироф этилади. Унга мувофиқ, давлатни бошқариш ўзбекларда, қўмондонлик барлослар ихтиёрида бўлган.

Энг асосий хулоса: ўзбек қавмининг халқ сифатида шаклланиши Х аср охири ва XI асрга келиб тақалади. Чунки, фақат атама эмас, балки бу халқнинг яшаш тарзи, бир қанча уруғ-қабилаларнинг давр тақозоси, цивилизацияси, яъни Ўрта асрлар Уйғониш даври ривожи таъсирида ҳам қўшилиб-чатишиб кетишидан ягона ўзбек халқи бунёд бўла бошлади. Ўзбек халқи таркибида 92 уруғ бор, бежиз айтилмаган.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори.

«ИШБИЛАРМОНЛИК»НИНГ АНТИҚА УСУЛИ

ёки ҳиссадорлик жамиятининг қандай қилиб «масъулияти чекланган» хусусида

Қўнғироқ

Ишбилармонлик, тадбиркорликнинг тобора ривож топаётгани халқимизнинг кўнглидаги айни гап. Челак туманидаги айрим ишбилармонлар эса ўз манфаатлари йўлида, отини қамчилашди.

Алқисса, Раҳмонберди Абулқосимов «сельпо»ни давр тақозосига кўра очиқ турдаги «Мустақиллик» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига айлантириш ниятига тушди. Ҳиссадорларнинг 1995 йил 22 февралда бўлган мажлисида Низом қабул қилинди. Лекин нима учундир туман ҳокимлиги ана шу Низомни 1994 йилнинг 29 сентябрида тасдиқлаган ва рўйхатга олган. Вилоят матлубот кооперацияси ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси таъсисчи бўлган. Бироқ бу ҳужжатлар орасида таъсис шартномаси йўқ. Биз бу қоғозни давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармасидан топдик. Унда шартномага кўра, қимматбаҳо қоғозларнинг 30 фоизи жамоага, 20 фоизи пайчиларга, 30 фоизи туман матлубот уюшмасига тегишли бўлиб, қолган 20 фоизи эркин муомалага чиқарилиши керак.

Вилоят давлат мулкини бошқариш бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан кейин жамият ҳар бири 1000 сўмга тенг бўлган 574 та қимматбаҳо қоғоз чиқариши лозим эди. Аммо шу йил 14 май куни бошқармадан олинган маълумотга кўра, жамиятнинг эмиссия рисоласи давлат рўйхатидан ўтмаган ва акцияларни чиқаришга рухсат берилмаган. Қизиғи шундаки, бу жамият вилоят адлия бошқармасидан ҳам рўйхатдан ўтмаган. Расмий маълумотномада эса «Мустақиллик» жамияти 1995 йилда 701 минг сўм фойда олиб, 680 минг сўм даромад солиғи тўлагани ва қолган 21 минг сўми 1994 йил зарари учун қоплангани қайд этилади. «Савдогарбанк»нинг Челак тумани бўлими наҳотки бундай ғайри қонуний жамиятнинг олди-берди қилишига рухсат берди?

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Шу даврда жамиятга қарашли аралаш моллар дўкони (мудири Ўтамурод Санақулов)да текшириш жараёнида 11.700 сўм камомад аниқланди. Нима учундир ҳамма дўконларда катта миқдорда бўш шиша идишлар сақланмоқда. Йил давомида дўкон жамият томонидан бирор марта ҳам тафтиш қилинмаган, Норқосим Тошбоев мудирлик қилган кундалик эҳтиёж моллари дўконида ҳам 20.712 сўмлик камомад аниқланди. Яна бир дўкон мудири Ўлмас Турдиев 125 минг сўм камомад қилиш билан бирга эса 1995 йилнинг апрелидан то декабригача 14 та васиқа буйича жамиятга ҳисоб бермаган. Ваҳоланки, бундай ўзибўларчилик, ҳужасизлик Челак туман улгуржи савдо уюшмаси томонидан бирор марта ҳам назорат қилинмаган. Бу ҳақда биз туман прокуратураси, туман улгуржи савдо ҳиссадорлик жамиятига тегишли маълумотларни тақдим этдик. Шундан кейин ҳам жиддий ўзгаришлар бўлмаяпти.

Энди гапнинг қизиғини эшитинг. Жаноб Раҳмонберди Абулқосимов ўзини хон, қўланкасини майдон ҳис қилиб, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятини масъулияти чекланган жамиятга айлантиришни ўйлаб қолди. Ана шу ниятда Челак туман улгуржи-чакана савдо ҳиссадорлик жамияти қарорини чиқариб олди. Ҳолбуки, бундай қарор қилишга жамиятнинг ҳуқуқи йўқ. Туман ҳокимлиги эса ана шу ҳужжатни дастак қилиб, ўз қарори билан мусъулияти чекланган фирмани рўйхатга олган. Вилоят истиқболни белгилаш ва статистика маркази янги фирма учун код берган, уни давлат реестрига киритган. Р. Абулқосимов «Савдогарбанк»нинг туман бўлими ходимларини чалғитиб, фирма коди орқали илгариги «Мустақиллик» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти номидан иш кўраверган.

Аниқлашимизча очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти 1996 йилнинг биринчи чорагида 560 минг сўм даромад солиғини яшириб келган. Энди эса жамият давлатга бир миллион 122 минг сўм жарима тўлашга мажбур. Лекин бир савол туғилади. Агар жамиятнинг рисолавий фонди бор-йўғи 574 минг сўмни ташкил этса, давлат бюджетига бир миллиондан ортиқ маблағни Р. Абулқосимов қайдан олиб тўларкин?

Аслида ҳиссадорлик жамиятлари, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорида белгиланган 8 турдаги зарур маҳсулотга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида тузилиши керак. Аммо маълумотларга кўра, «Мустақиллик» ҳиссадорлик жамияти 1996 йилнинг биринчи чорагида белгиланган фонддан бир кило ҳам макарон маҳсулотлари, хўжалик совуни, туз ва бирор кути ҳам гугурт олмаган. Ун, шакар, ўсимлик ёғи, чой белгиланганидан ярим миқдорда олинган, холос. Натижада аҳоли ўртасида дўкон ходимларига нисбатан норозилик кайфияти пайдо бўлди. Турли идораларга ариза ва шикоятлар туша бошлади.

Ростини айтсак, ушбу масала билан шуғулланиш бизга осон кечмади. Жамият раҳбарлари турли йўллар билан бизни чалғитишга уриниб кўришди. Бош ҳисобчи Ш. Суюндиқовдан ҳужжатларни олиш қийин бўлди. Жамият раиси Р. Абулқосимов касаллиги туфайли ўрнига ҳисобчи Йўлдош Ботировни масъул қилиб тайинлаган. Ҳатто ўша бўйруқни ҳам И. Ботировнинг ўзи имзолаган. Лекин И. Ботиров ҳам, Ш. Суюндиқов ҳам раис рухсат бермаса ёки ишга чиқмаса тегишли ҳужжатларни беролмасликларини айтдилар. Фақат прокуратура аралашуви билан айрим қоғозларни олишга муваффақ бўлдик.

Хуллас, ана шунақа гаплар. Биз 40 кун давомидаги текшириш натижасида битта лўттибозликнинг айрим ҳаракатларини очишга эришдик, холос. Масалага нуқта қўйиш, аниқроғи, савдодаги ҳужасизлик ва ўзибўларчиликка баҳо бериш вилоят ва тумандаги мутасадди ташкилотларга ҳавола.

Фарҳод РАҲМАТОВ,
Ислом УРУНОВ,
Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимлари.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

КЕСКИН ЧОРАЛАР ҚЎРИЛДИ

• Хитой Халқ Республикасининг Шандун вилоятида 600 дан зиёд жиноятчи ўз айбини бўйнига олди. Бунинг натижасида жиноятчилар сони кескин камайди. Чунки ҳукумат қотиллар ва бошқа безориларга нисбатан кескин чоралар кўраётган эди.

СОБИҚ ИТТИФОҚДАГИЛАРДАН МИННАТДОР БЎЛИШСА АРЗИЙДИ

• Германиядаги ароқ ишлаб чиқарувчилар собиқ Совет Иттифоқидаги Республикаларда яшайдиган ичкиликбозлардан миннатдор бўлсалар арзийди. Чунки ана шу ичкиликбозлар туфайли немис ароғи кўплаб экспорт қилинмоқда. Висбадендаги федерал статистика идорасининг хабарига кўра 1995 йили Германия четга 585 минг гектолитр, яъни 223 миллион немис маркасига тўғри келадиган миқдорда спиртли ичимликлар сотган. Шу жумладан Россияга 322 минг гектолитр арақ етказиб берилган.

ИСИТМАСИНИ ЯШИРСАНГ

Тула вилоятининг Богордицк шаҳарчасида юқумли касаллик туфайли ўтган ҳафтада 140 нафар киши (шундан 140 нафари болалар) заҳарланди. Бунга сут заводи ходимларининг эҳтиётсизлиги ва тозаликка риоя қилмаслиги сабаб бўлди. Бу ҳақда вилоят бош санитар шифокорининг ўринбосари Нина Зуева ахборот беради. Унинг сўзига қараганда, ходимлардан бири ичбуруқ (дизентерия) дардига чалинганини яшириб, ишлайверган экан.

САМОЛЁТ ҚУЛАГАНДА

Японияннинг Фукукока аэропортидан ҳавога кўтарилган «Гаруда» авиакомпаниясининг йўловчи ташиш ҳаво кемаси кутилмаганда қулаб тушди. Индонезияга қарашли бу ҳаво кемаси қулаши натижасида 68 киши қаттиқ жиҳастланди, 3 киши ҳалок бўлди. Ҳаво кемаси эса таътилга чиққан 275 нафар япон фуқаролари билан яхши ниятда манзарали Бали оролларига қараб учаётган эди. Самолёт кутилмаганда ҳаво «ўра»сига тушиб қолиб, ҳалокатга учраган.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

• Сан-Томе ва Принсипида полициячилар иш ташлаш эълон қилдилар. Африканинг Гвинея қўлтиғидаги бу кичик давлатда ҳукумат полициячиларнинг ўз ойликларини 500 фоизга ошириш ҳақидаги талабларини рад этганидан сўнг улар шундай қарорга келишди. Ҳозир уларнинг ойлик иш ҳақлари 10 АҚШ долларига яқин.

***

• Жала ёмғирлар натижасида Яманда сув тошқини юз берди. Оқибатда 80 киши халок бўлди. Яна ўнлаб кишилар ном-нишонсиз кетишди. Кучли шамол билан бўлиб ўтган жала ўтган пайшанба куни бошланиб уч кун давом этганди.

***

• Заирнинг давлат қораловчиси россиялик учувчилардан Николай Казарин ва Андрей Гусковни икки йилга озодликдан маҳрум этди. Улар шу йилнинг январь ойида транспорт самолётида аварияни юзага келтиришди. Бунинг натижасида 300 киши ҳалок бўлганди.

БИРИНЧИ ИМТИҲОН ВА ИККИНЧИ САБОҚ

ёки Россиядаги сайловлар ҳақида

Сиёсий иқлим

Ўтган ҳафта Россия ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. 16 июнь куни бўлиб ўтган президентликка сайловларда россияликларнинг асосий кўпчилиги икки йирик сиёсий оқим — ҳозирги Президент Борис Ельцин бошлиқ демократия тарафдорлари ва Геннадий Зюганов етакчилигидаги коммунистик оқим учун овоз бердилар. Лекин учинчи куч сифатида сайловга ўз номзодини қўйган генерал Александр Лебеднинг ҳам анчагина тарафдорлари бор эканлиги ҳеч кутилмаганда сайловдан кейин маълум бўлиб қолди.

Хуллас, бўлиб ўтган сайловда Б. Ельцин 35 фоиздан зиёдроқ, Г. Зюганов қарийб 32 фоиз, А. Лебедь 14,71, Г. Явлинский 7,41, В. Жириновский 5,84, С. Фёдоров, М. Горбачёв, М. Шаккум, Ю. Власовлар эса қарийб 1 фоизга яқин овоз тўпладилар. Ҳали расман сайлов натижалари эълон қилинмаган бўлсада, шу нарса маълумки, иккинчи турга фақат икки киши — бошқаларга нисбатан кўпроқ овоз тўплаган Б. Ельцин ва Г. Зюганов номзодлари қўйилади.

Хўш, биринчи тур натижаларидан қандай хулоса чиқариш мумкин? Аввало, айрим таҳлилчиларнинг сайловга кўпчилик келмайди, деган башорати пуч чиқди. Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг қарийб 70 фоизи овоз беришда иштирок этди. Сўл кучларнинг аввалбошда «Сайлов ўтказилмасдан қолади, бўлса-да унинг натижалари қалбакилаштирилади», деган гаплари ҳам тасдиқланмади. Қисқаси, россияликлар ўз юртларида олиб борилаётган ислоҳотларга, мамлакатдаги қийинчиликларни билсалар-да, кўпроқ ишонмоқдалар. Бу ҳол сайловда ислоҳотчи кучларга умумий сайловчиларнинг учдан икки қисми овоз берганлигида ҳам ўз ифодасини топди.

Энди ҳаммаси иккинчи турда аниқ бўлади. Қарийб 15 фоиз тўпланган А. Лебедь тарафдорлари бу гал кимга ўз овозларини берадилар? Россия Президенти Борис Ельцин А. Лебедь сайловчиларини ўз томонига тортиш мақсадида «яхши юриш» қилди. У Александр Иванович билан икки марта учрашиб, ҳамкорликда иш олиб боришни таклиф этди ва бу учрашувлар натижаси ўлароқ А. Лебедь Россия Федерацияси Хавфсизлик Кенгаши котиби ва Президентнинг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси этиб тайинланди. А. Лебеднинг ўзи янги лавозимга тайинланганидан кейин «Фикримча, мен учун овоз берган сайловчиларнинг 80 фоизи менга ишониб, орқамдан эргашишади» деган фикрни айтди. Лекин ким билади дейсиз», барибир аввалдан бир нарса дейиш қийин.

Дарвоқе, ислоҳотлар йўналишига бир қатор янги ўзгартиришлар киритишни бугунги давлат бошлиғидан талаб қилаётган Г. Явлинский иккинчи тур сайловда ўз тарафдорларини Б. Ельцинни ёқлаб овоз беришга ундамоқчи. Бироқ бу давр ичида «коммунистлар лагери»дагилар ҳам қўл қовуштириб турмаслиги аниқ. Улар қолган бир ва ундан кўп овоз тўплаган бошқа номзодлар тарафдорларини ўзлари томонга оғдиришга ҳаракат қилишади.

Хуллас, биринчи имтиҳондан ўтилди. Энди сабоқ берадиган иккинчини навбатда турибди. Тахминларга кўра, бу галги сайловни июль ойининг дастлабки яримида ўтказиш мўлжалланмоқда. Ҳал қилувчи босқичда россияликлар Б. Ельцин ифодаси билан айтганда, «демократик келажак ёки коммунистик ўтмиш»ни танлашлари керак бўлади.

Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

БЎЛАЖАК ЎЗБЕК ХИТОЙШУНОСЛАРИГА СОВҒАЛАР

Ўзбекистон ва жаҳон

Хитой Халқ Республикаси телевидение ва радиоэшиттиришлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Пекиндаги элчихонасига хитой тилини ўрганаётган ўзбекистонлик олий ўқув юртлари талабалари ва мактаб ўқувчилари учун катта миқдорда ўқув қўлланмалари совға қилди. Совғалар дарслик ва унга қўшимча аудиокассеталардан иборат.

Совғаларни тантанали топшириш маросимида ХХР телевидение ва радиоэшиттиришлар вазири ўринбосари, профессор Лю Силян МДҲ нинг барча мамлакатларида, айниқса, Марказий Осиё республикаларида, хитой тилига қизиқиш тобора ортиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди.

Хитой радиоси бир неча йилдан буён хорижий тингловчиларга хитой тилини ўргатиш бўйича эшиттиришлар бериб келмоқда. Пекин радиосининг халқаро муҳарририятига ўзбекистонлик мухлислардан ҳам кўплаб хатлар бормоқда. Халқаро муҳарририят директори Чжан Чженьхуанинг айтишига қараганда, бу хатларда мустақил Ўзбекистонда бўлаётган муваффақиятли ўзгаришлар билан биргаликда, Хитой иқтисодий ислоҳоти ютуқларини юзага келтирган омиллар ҳақида тўлароқ маълумотлар бериш ҳам сўралади. Кўпчилик радиотингловчиларни эса Ўзбекистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг самарали ривожланиши қизиқтирмоқда.

Ўқув қўлланмаларини топшириш пайтида профессор Лю Силян бу тадбир халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади, дея ишонч билдирди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

КЎМ-КЎК КИЙИНГАННИ СИГИР ЁҚТИРАР

Биламизки, ранглар киши организмига турлича таъсир этади. Бироқ бошқа жонзотларгачи? Бу саволга жавоб топиш учун Массачусетс (АҚШ) университети зоологлари бир йиллик тажриба ўтказишди. Улар 10 та мушукни турли рангдаги алоҳида катакларда бир йил давомида боқишди, яъни бир катак деворидан тортиб пол ва шифтигача кўк рангда бўлса, бошқа бир катак қизил, яна бошқаси сариқ, қўйингки, ўнта катак ўн хил рангда бўлган. Ҳатто улар овқат ейдиган косалар ҳам катак рангида эди. Хўш, натижа қандай бўлди? Деярли шовшувли эмас. Мушуклар ҳаётига ранглар таъсир этмади ҳисоб, улар ўзларини яхши ҳис қилишган. Фақат қизил катакда боқилган мушукдагина ўзгариш сезилган, яъни у ўта асабий бўлиб қолган, қонида оқсил моддаси кўпайиб кетган.

Олимлар яна шу нарсани аниқлашганки, парранда-лар — товуқ ва жўжалар тўқсариқ рангни ёқтиришаркан, жигарранг ва қора рангни кўрса безовталанишади. Сигирлар эса соғувчини кўмкўк кийимда кўрса, кўпроқ сут берар экан.

Асрор тўла асотир

ҚОР ВА РАНГЛИ ОДАМ ҲАҚИДА

Ер сайёрасида қор ва рангли одамни тутиш ишлари ниҳоясига етиш арафасида.

Инсоният бир неча йиллардан бери қор ва рангли одамни «тузоққа туширишга» уринмоқда. Бу ишга миллионлар сарфланмоқда.

Маломатлар бўлсинки, бу самара бермаяпти. Тўғри, дунёда биттагина олим узоқ йиллар уринишдан, Сўнг тоғма-тоғ кезиб, минг машаққатлар тортиш эвазига қор одамни занжирбанд этишга муваффақ бўлди. Аммо қор одами тушмагур бу «аллома»ни Сўнг тоғда қолдириб, ҳаш-паш дегунча йўғон (узишга одамзотнинг кучи етмайдиган) темир занжирни узиб қочди.

Юқоридаги олим — олим эмас, балки инсонни ақл бовар қилмайдиган даражада лол қолдириб қочиб кетган мавжудот олим ҳисобланади.

Сиз ҳам ҳайрон бўлиб қолдингиз, чоғи. Ҳеч ажабланманг. Чунки сизга маълумки, бу мавжудот нафақат темир занжирни узган, ҳаттоки ердагиларга кўз ёшини ҳам эсдаликка қолдирган.

Қор одамни тутган инсонни олим эмас дедик. Бу ҳақ гап. Чунки бутун ер юзидаги олиму уламони, қаҳрамону паҳлавонни йиғиб келганингизда ҳам бу мавжудотни, яъни қор одамни жисмонан енгишга кучи етмайди.

Сизга маълум, эгоист, яъни худбин деган сўзни илгарилари кундалик турмушда кўпроқ қўллашар эди. Чунки, худбин, яъни фақат ўзини ўйладиган одамга нисбатан жамиятда нафрат уйготиш керак бўлиб қолганди.

Энди эса бунга эҳтиёж йўқ. Йўқлигига сабаб шундаки, худбин аллақачонлар ташқи оламнинг қора кучлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Бу ҳол эса инсоният учун жуда (ўлчаб бўлмайдиган даражада) катта хавф туғдиради. Иш шунга бориб тақаладики, бу худбин нафақат ўзини ўйлайдиган, балки ёлғиз ёвичиш, ухлашу туришни биладиган «йирик маҳсул»га айланади. Бир сўз билан айтсак, нуқул осмонга қараб бўзраядиган, икки сўз билан эса — бурнининг тагида нима бўлаётганини сезмайдиган, уч сўз билан эса ташқи қора кучларга жуда ҳам зарур бўлган емишга айланади.

Бу «ноёб емиш» эса ҳеч қачон қор ва рангли одамни тутиш қувватига эга эмас. Қор ва рангли одам бир чеккада турсин, кўзига кўринадиган қўрқинчли қўлқоп кийган оддийгина қўл шарпасига қарши кураша олмайди. Бу жараён тиббиётда глюцинация ҳодисаси деб аталади. Ким билсин, эҳтимол бу нотўғри ташхисдир. Чунки шу кундаги дори-дармонлар, ишлаб чиқилган даволаш услублари билан кўзига қўрқинчли шарпалар кўринадиган беморни дарддан фориғ қилиш ғоятда мушкул. Ҳозирча қўрқинчли шарпаларни бир чеккага қўя турайлик-да, кунигеча доллар йиғадиган гадойлар устидан тоза мириқиб кулганлар ҳақида бироз тўхталайлик.

Яқинда шахсан мен ўзим гавдасидан от ҳуркадиган, рангидан қон томадиган барзанги гадойга (ёнимда бир сўмлигим йўқ экан) беш сўм садақа қилдим. Не кўз билан кўрайки, ярим соатдан сўнг мана шу гадой мен берган беш сўмликни қўшиб туриб битта юз долларликни сотиб олди. Аммо мен бу инсон устидан кулганим йўқ. Менинг бундай ишга ёхуд гадойлар устидан кулишимга ҳаққим йўқ. Чунки ҳеч қанча вақт ўтмай кулган инсоннинг ўзи ҳам шу аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Сизга эриш туюлди чоғи. Ҳеч ҳам эриш туюлмасин, балки бундай инсонларга раҳм кўзи билан қаранг. Чунки бундай инсонлар ожиз ҳисобланади. Ожизлиги шундаки, бир ўзи ташқи оламнинг қора кучларига бас кела олмайди.

Инсоният бир-бирига, айниқса бандаи-ожизларига ёрдам берганида шу кунгача қор ва рангли одамларни қояма-қоя сангиб, дунё бўйича минг-минглаб одамлар вақти, миллиардлаб долларлар ҳавога совурилмаган бўлар эди.

Аммо қор одам жуда тез фурсатларда кишанланади ва бутун дунёнинг ахборот воситаларида рангли одам тўғрисида ваҳимали хабарларни тарқатишдан воз кечади.

Абдураҳмон ИБРОҲИМОВ.

Эҳтиром

ЛАҲЗА ВА МУҲР

Саксонинчи йилларнинг қатағони бошланаётган давр эди. Ўзбек фани ва маданиятининг асл гулларини бадном қилиш авжига чиқди. Уларни қоралаш учун қандай «айбнома»лар ўйлаб топишмади дейсиз. Элга танилган ёзувчи, тўйида дастурхонига қўйган кабобнинг сихигача санашди, яна бир академикнинг жаҳоншумул мукофот олганлиги оммадан сир тутилди. Шундай кунларнинг бирида республика Матбуот давлат қўмитасига узоқ йиллар раҳбарлик қилган Зиёд Есенбоевни «Известия» саҳифаларида уриб чиқишди. «Компоромат» топишда қийналишган шекилли, бу шахс ҳамма қулайликлар бадастир бўлган хонадонда яшаётганлиги гуноҳи азим сифатида талқин этилади.

Яшириб нима қиламиз, ўша мақолани кўрганда Ўзбекистон журналистларининг отахони боғу чарбоғларга туташиб кетган томорқали қароргоҳда яшаса керак, деб ўйлагандим. Яқинда ўша «марказ» матбуоти назари тушган хонадонда бўлишга тўғри келди. Ҳайратдан ёқа ушладим. Ҳашаматли кошона сифатида тақдим этилган ҳовли ичкарисига кирсангиз кафтдаккина жойда бошингиз айланиб қолади. Оддий ўзбек хонадони. Лофли таърифларга қоғоз бардош бераверган экан-да...

Лекин мен бу ерда кичик бир кошонани кўрдим. Бу ҳовлининг ўнг томонида жойлашган торроқ хона бўлиб, уни маълум маънода музейга қиёслаш мумкин. Деворларда тартиб билан осилган тарихий суратлар, ойнаванд мослама остида Зиёд аканинг ҳаёт йўлларини, жамоат арбоби сифатидаги фаолиятини намоён этувчи ҳужжатлар, гувоҳномалар. Жовонлар тўла альбомлар. Шу ерга кирибоқ Зиёд Есенбоевнинг қандай одам бўлганлигини, маданиятимиз тарихида қандай из қолдирганини ҳис қилиш мумкин.

— Мана бу суратга ҳарбий хизматга жўнаш олдидан — 1939 йил ноябрда тушганман, — деб изоҳ беради хонадон соҳиби. — Шунга ҳам эллик етти йил бўлибди-я...

Эҳ-ҳа, ўтган даврда қанча сувлар оқиб кетди. Аскарлик либосини кийган йигитча хизматни тугаллай деганда жангу жадал сари отланди. Омонлик экан, юртга қайтиб келиш насиб этди. Уйқусиз тунлар, ҳаловатсиз кунлар ўз самарасини берди. Зиёд Есенбоев муҳаррирлик, қўмитага раислик лавозимларида камолотга эришган арбоб сифатида етилди. Уни жаҳон таниди, у жаҳонни таниди.

Йиллар ўтиб кетди. Лекин ўша лаҳзаларни мангуга муҳрлаган суратлар шундоққина турибди. Зиёд аканинг ёнида виқор билан турган киши Мирзо Турсунзода эканлигини билиш қийин эмас — яна бир суратда машҳур бастакор Соловьев-Седой. Чингиз Айтматов билан тушилган расм таниқли ёзувчининг қишлоғи фонида олинган. Раж Капур, Усмон Юсупов, Қори-Ниёзий, Теша Зоҳидов, Юрий Гагарин, Абдужамил Матқобулов, генерал Мурод Шералиев, Рихси Сохибоев, Аҳмад Бенбелла, Шароф Рашидов, Темирқул Умматалиев, Маъмуржон Узоқов — буларнинг ҳаммаси Зиёд ака билан ҳамнафас бўлишган. Эҳтимол бу машҳур кишиларнинг фарзандлари шундай ноёб суратлар эъзозланиб сақланаётганини билишмас, олис йиллардан қолган хотиротларни кўзга суртиш орзусида юришгандир. Нима бўлмасин, Зиёд ака ўз хонадонида ана шундай хазинани сақлаётганлиги таҳсинга лойиқ. Агар бу ердаги альбомларни варақлаб чиқмоқчи бўлсангиз бир ҳафта ҳам камлик қилади.

Шунчалар ҳам сариштa бўлиш мумкинми: қарийб олтмиш йил мобайнида чоп этилган мақолалар рисоладагидек сақланган. Уларда «Қизил Ўзбекистон»да босилган оддий ахборотдан тортиб Белоруссия, Қирғизистон, Болгария газета-журналларида берилган мақолаларгача мужассам.

Зиёд аканинг ҳаёти «Ўзбекистон овози» билан узвий боғланиб кетган десак муболаға бўлмас. Буни қарангки, газетамизнинг илк сони 1918 йил *21 июнда* чиққан бўлса, Зиёд ака 1921 йил *21 июнда* туғилибдилар. Ижодкорнинг қалами шу даргоҳда чархланган. У киши билан «Қизил Ўзбекистон»да бирга ишлашган ҳамкасблари шундай эслашади.

Яхё ТЎХТАЕВ, меҳнат фахрийси: — Мен Зиёд акадан кўп нарсани ўргандим. Ниҳоятда талабчан ва меҳрибон инсон. Бирор хато иш қилсак, шунақа койирдиларки, ўзимизни қўйишга жой тополмасдик. Ўшандай дамларда озгина яхши иш қилсак, мақтаб кўнглимизни кўтарардилар. Яна бир гап: муҳаррир бўлиб ишлаганларида уйимиздаги болаларимиз номларигача билардилар.

Марфуа АБДУҚОДИРОВА: — Мен қарийб қирқ йилдан буён шу даргоҳда ишлаб келаман. Тақдиримдаги унутилмас воқеани гапириб берсам. Ҳозир ҳам, орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, у кун кечагидек ёдимда. Маҳаллада «янгича тўй» бўлгани, ўшанда ёру дўстларнинг табриклари ва айниқса узоқ сафарда юриб ҳам биз, келин-куёвни табриклаб, «бахтингиз бутун бўлсин!» деб шошилинчнома юборган Инсоннинг дуоси ҳали ҳануз қулоғим остида жаранглайди. Ўтган ўттиз беш йилдан буён Зиёд Есенбоевни ҳар кўрганда, учрашганда «Соғомонмисан, уйинг, бола-чақанг...» деб аҳвол сўрашлари, катта кичик, ёшу қарига баб-баравар муносабатларининг ўзи у кишининг чин маънодаги одамийлиги, жонфидолигидан далолат. Ўзгаларнинг дарди, қувончига ўз дарди, қувончидек шерик бўлиш, тўғрироғи, кўпроқ ўзгалар учун яшаш Зиёд аканинг қон-қонига сингиб кетган. Шу боисдан ҳам у киши сира қаримайди.

Оқсоқол мустақил Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкилий даврида бу ташкилотга раҳбарлик қилди. Бугун ҳам ўз тажрибасини истиқлол йўлига сарфламоқда.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

ШЕЪР ЁЗАМАН КЎКСИҒА ТУННИНГ...

***

Ой, қуёш — умримиз мезбони,
Она Ер бир улкан кемадир.
Айланар бу чаппа дунёни,
Яшашнинг маъниси нимадир.

Бўйсунмас ҳеч менинг измимга,
Тўлқинлар мулкидир тўрт ёғим.
Совуқ ел тегади юзимга,
Қирғоққа етмайди нигоҳим.

Заминнинг соҳили юракдир,
Қайдадир осмоннинг поёни!
Тириклик — энг қўҳна эртакдир,
Одамзот асрайди дунёни.

Кун чиқса, ой чиқса суюниб,
Насиба кутамиз тупроқдан.
Яшаймиз ҳар лаҳза қуюниб,
Бахт эса имлайди узоқдан.

Юлдузлар қилурлар машварат,
Мўъжиза бисёрдир жаҳонда.
Она Ер илоҳий салтанат,
Ой шўрлик ҳамиша ҳижронда.

Таҳлика ичида ҳар нафас
Кўз тикиб туради самога.
Она Ер елканли кемамас —
Соқчидир шу қўҳна дунёга...

НАСИҲАТ

Бировнинг қаддини тиклаш-чун
Ўз қадринг тупроққа тенглама.
Кўнглингни асрагин бус-бутун,
Сен уни осмондай кенг дема.

Ёғдулар ёйилар тинимсиз
Очилса муҳаббат дафтари.
Кўкдаги бир гарддай кўримсиз
Туюлар дунёнинг дардлари.

Гоҳ дарё кўнглимга қил сиғмай
Бир қатим нур тушса ўт кетар.
Кичраяр ҳеч кимга билдирмай,
Қуюндай ёприлар хавф-хатар.

Бировнинг қаддини тиклаш-чун
Йиқилган кунларим эртакмас —
Ололсам оламан бус-бутун —
Менга ҳам ярим дил керакмас.

Йўлингда камондай эгилган
Дардларни ичинга ютмагин.
Ўзини ардоқлай билмаган
Кўнгулдан рўшнолик кутмагин.

***

Сизки мени йўқламадингиз,
Ўзгалардан умид беҳуда.
Ранжитмоққа борми ҳаққингиз,
Мен ҳаётни севаман жуда.

Шеър ёзаман кўзёш ўрнида,
Олов билан кўксига туннинг.
Табассумим бардош ўрнида,
Нечун етмай қадрига гулнинг!

Чарх ургувчи шўх қалдирғочнинг
Бизлар икки қаноти эдик.
Ошиқ диллар эрка қувончнинг
Эгарланган оти — дегандик.

Айри қилди осмонни ердан
Муҳаббатга сиғинган зотлар.
Қалдирғочни учирган билан
Бирлашолмас экан қанотлар.

Менинг каби гуллар ҳам унсиз
Қўшиқ айтар безовта руҳга.
Тингламоқдан лекин маҳрумсиз,
Етолмаслар от суриб кўкка.

Кеча-кундуз титрайди гуллар,
Билмам, улар кимга ошиқдир.
Қанотсиздир телба кўнгуллар,
Севги эса озод қўшиқдир.

Сизки мени йўқламадингиз,
Ўзгаларнинг ташрифи бекор.
Ололмайсиз нишонга ўқсиз —
Шеър аталмиш халоскорим бор.

ДУНЁ — ЯРИМ КЎНГУЛДИР

Бу дунёнинг ярми чин,
Ярми ёлғон, онажон.
Унинг ярми яшар жим,
Ярми — хоқон, онажон.

Қуйган ёлғиз менмидим,
Асли бир кам дунёдир.
У енгсизга енгмиди —
Норавога раводир.

Тик тутмасам қаддимни —
Эгиб қўяр довуллар.
Мен билмасам қадримни,
Қайдан билсин бировлар.

Тош отса ҳам барибир
Сиз силаган бошимга.
Рақибларим негадир
Келолмади қошимга.

Дўстларнинг ҳам ярмидан
Кўпи аҳёр, шекилли.
Бу дунёнинг камидан —
Дардим бисёр, шекилли.

Ойнинг ярми қоронғу
Ярми ёруғ, онажон.
Ҳаётимнинг ярми тун,
Ярми қутлуғ, онажон.

Умрнинг тенг ярмини
Бўлиб олмоқ мушкулдир.
Юзга солманг айбини —
Дунё — ярим Кўнгулдир.

Кутиб ёруғ кунларни
Яшайдурман хотиржам.
Мен махф этдим тунларни
Қутлаб қўйинг, онажон!

ШОИРЛИК

Шоирлик яхшидир, шоирга яхши,
Йиғласа гул унар кўз ёшларидан.
Ҳаттоки хиёнат қилолмас туши,
Олтин олиш мумкин бардошларидан.

Бошидан ёғилса мушкул саволлар,
Қил кўприк устида яшаса ҳамки —
Ҳайрат бағишласа одатий ҳоллар,
Шоирлик бахтми ё қисматми балки!

Шукур қил шоирга бўлсанг-да ғаним,
Сен билан астойдил ёвлашолмайди.
Тўкса ҳам шеър қилиб тўкар нафратин,
Адолат менда деб довлашолмайди.

Мабодо, шоирни уйдан қувсалар
Кенгликлар бағрига олади уни.
Шунда тилга кирар соқов майсалар,
Шеър ёзган қунидир энг бахтли куни.

Ўғирлаб бўлмайди уларнинг бахтин,
Ёвлари тож билан сийлайди гоҳо.
Мен еру осмонни шеър деб атадим,
Сенинг Шоирлигинг рост бўлсин Дунё!

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 30414 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0302

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

• Спорт — Спорт — Спорт •

Европа футбол чемпионати

БАШОРАТ ТЎҒРИ ЧИҚАДИГАН КЎРИНАДИ

Англия шаҳарларида давом этаётган футбол чемпионати иштирокчилари гуруҳлардаги саралаш ўйинларини кеча якунлашди.

Чемпионат миллионлаб мухлислар учун ҳақиқий байрамга айланмоқда. Ашаддий ишқибозлар Англия сафарига отланишган бўлса, қолганлар «зангори экран» қаршисида қизғин ва муросасиз баҳсларнинг шоҳиди бўлмоқдалар.

Умуман, Англия терма жамоасининг истиқболи порлоқ кўринади. Бунга машҳур башоратчи Нострадамуснинг тахминлари сабаб бўлиб турибди. Башоратчининг 400 йил илгари айтган фикрига қараганда гўёки рамзида уч шер тимсоли бор давлат ўйинчилари ўз майдонида бош соврин учун курашаркан. Лекин башоратчининг тахмини бўйича майдон эгалари имкониятни бой беришлари мумкин. Ким билади дейсиз, ўз даврида Гитлернинг «найранг»ларию СПИД вабосини тарқалишини башорат қила билган Нострадамус балки ҳақ бўлиб чиқар?

Ҳар қалай инглиз футболчиларининг руҳлари баланд. Таниқли футболчи Бобби Чарльтон Англия терма жамоаси ўйинларидан қониқмаётганлигини баён этиб: «Жамоада тўпурар етишмайди. Самарали ҳужум уюштиришда ўзига хос «нозик» ҳаракат, техника кўзга ташланмайди», деган фикрни билдирганди. Зотан, инглиз футболчилари ўз гуруҳларида ажойиб ўйинлар кўрсатиб, кўпчиликни лол қолдиришди. Маълумки, улар Швейцария футболчилари билан дуранг ўйнаб, Шотландия жамоасини енгишганди. Мухлислар 1:1 ва 2:0 ҳисобларидан қаноат ҳосил қилиб турганларида, Англия-Голландия учрашувида 4:1 ҳисобини қайд этилиши ҳаммасидан ўтиб тушди. Ҳа, 14 йил бадалида инглиз футболчиларига енгилмаган Голландия жамоаси мағлубият аламини тортди. Шундай қилиб «А» гуруҳида Англия футболчилари еттита очко билан биринчи ўринни эгаллади.

Болгария терма жамоасининг устози Д. Пенев «Олтин медаль учун финалда Болгария — Германия футболчилари курашадилар», дейишга жазм этган эди. Ишқ бошқа — ҳавас бошқа, деганларидек болгар футболчилари Франция жамоаси билан учрашувда имкониятни 1:3 бой бериб қўйишди. Руминия—Испания учрашуви 1:2 ҳисобида тугади. Франция футболчилари еттита очко билан биринчи ўринни эгаллашди. Испан футболчилари эса икки дуранг, бир ғалаба билан курашни давом эттириш имкониятига эга бўлишди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ПОЙТАХТ КЎЧАЛАРИ БЎЙЛАБ

Маълумки, бу йил замонавий олимпиада ўйинларига асос солинганлигининг 100 йиллиги нишонланади.

Шу муносабат билан республика Миллий олимпиада қўмитасида матбуот конференцияси уюштирилди. Йиғилишни МОҚ раиси Собир Рўзиев бошқарди. У бу йилги олимпиада ўйинлари ўзгача шароит ва ўзгача тароватда ўтади, деб таъкидлади. Чунки, Атланта олимпиадаси замонавий олимпиада ҳаракати бошланганлигининг 100 йиллиги билан уйғунлашади. Мамлакатимизда бу санани муносиб нишонлашга ҳозирлик кўриляпти. Спортчиларимиз Атланта олимпиадасида маҳорат кўрсатиб, мухлислар ишончини оқлашга шайланишмоқда.

23 июнь якшанба куни эса олимпиада ҳаракатининг 100 йиллигига бағишланган югуриш мусобақаси ўтказиладиган бўлди. Эрталаб соат 10 да югурувчилар Мустақиллик майдонида саф тортадилар. Улар ёшларига кўра турли гуруҳларга бўлинган ҳолда шаҳар кўчалари бўйлаб марра сари интиладилар. Хайрли тадбирга «Кока-кола» фирмаси ҳомийлик қилмоқда. Югурувчиларга пул ва эсдалик совғалари тайёрлаб қўйилган. Йиғилиш сўнггида спорт мутасаддилари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

«ТОШКЕНТ ҲОКИМИ КУБОГИ» — ҲАЙДОВЧИЛАРДА

Пойтахтимизнинг «Трактор» ўйингоҳида иккинчи лиганинг 12 нафар жамоаси ўртасида ўтказилган «Тошкент ҳокими кубоги» учун мусобақанинг ҳал қилувчи учрашуви бўлди. Унда шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси футболчилари билан «Бектемир» жамоаси ўзаро куч синашди. «Бектемир» футболчилари ҳужумкорликка зўр берган бўлишса-да, имкониятлардан етарли фойдалана олмадилар. Натижада транспорт ҳайдовчилари дарвозага жавобсиз иккита тўп киритдилар. Ғолибларга бошқа ҳомийлар ҳам ўз мукофотларини топширдилар.

СУРАТДА: ғолибларни мукофотлаш пайти.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Университет қошида ташкил этилган иқтидорли ўқувчилар миллий лицей-интернатига 1996-1997 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Миллий лицей — интернатнинг 9-синфлари учун мактаб йўлланмаси билан юборилган иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

Миллий лицей-интернат ўқувчилари бепул тўрт маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Лицейда машғулотлар техника университети кафедралари ва лабораторияларининг профессор ҳамда ўқитувчилари томонидан олиб борилади. Машғулотлар математика, физика, она тили ва адабиёти, инглиз тили фанларидан чуқурлаштирилган дастурлар бўйича ўтилади.

Ўқишга кирувчиларнинг ҳужжатлари 1996 йилнинг 1 июлигача қабул қилинади.

Қабул учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим:
1. Миллий лицей-интернат директори номига ариза.
2. 8-синфни тугаллаганлиги тўғрисида табель.
3. Мактабдан тавсифнома, йўлланма.
4. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.
5. Турар жойидан маълумотнома.
6. Соғлиғи ҳақида маълумотнома. (086 форма).
7. 6 дона сурат (3х4 ҳажмидаги, бош кийимсиз).

Миллий лицей-интернат ўқувчилари сафига физика, математика, она тили ва адабиёти фанларидан ўтказилган суҳбат натижаларига қараб қабул қилинади. Суҳбат олдидан кирувчилар учун бир ҳафталик маслаҳат дарслари ўтказилади.

Миллий лицей-интернатга кирувчиларнинг ҳужжат ва аризалари қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, 53-ётоқхона. («Ёшлик» ҳокимияти ёнида). ТДТУ миллий лицей-интернати. Телефонлар: 46-69-02, 46-28-25.

КОРХОНА

пул ўтказиш йўли орқали БЗН ва БВ (1000х250, 800х250) маркали тегирмон вальсларини

СОТАДИ.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй. (Тельман боғининг қаршиси). Телефонлар: 67-23-74 (тел факс), 67-77-41.

Ўзбекистон Республикасида энг арзон нарх

ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШДА МУАММОЛАРИНГИЗ БОРМИ?

"ВОЛКАР"

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Шаҳрихондаги (Андижон вилояти) омбордан ПЭТВ - 2 маркали эмал симларни

тақлиф этади.

Симларнинг қирқим-диаметри:
а)0,45 мм;
б)0,63 мм;
в)0,75 мм;
г)0,80 мм;
д)1,25 мм.

Сифат сертификати бор!

Телефонлар:
/8-37422/ 5-96-24, /8-37434/ 2-24-95
соат 8 дан 17 гача.
8 (3712) 55-35-07, 44-55-39.

«Ўзбеккоммуналлойиҳа» институти ходимлари Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг вазир муовини Э. А. Йўлдошевга фарзанди **АЛИШЕР**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

А. Р. Беруний номли ТошДТУнинг раҳбарияти ва ходимлари «Нефть ва газ» факультетининг «Нефть ва газ конлари геологияси» кафедраси мудири, профессор З. С. Иброҳимовга укаси **Даврон Собирович ИБРОҲИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.